

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ СОЯБОНИ ОСТИДАГИ БИРДАМЛИК

Жўраева Барчиной Мусалламовна

халқаро журналист

Халқаро жамоатчилик Туркӣ Давлатлар Ташкилоти (ТДТ) минтақада муҳим ҳамкорлик моделига, глобал майдондаги куч марказига айланиб бораётганилиги эътироф этмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда Европа ва Осиё ўртасидаги кенг қамровли иқтисодий муносабатларнинг барқарор давом этиши, Евроосиё географиясининг буюк давлатлар ўртасидаги рақобат майдонига айланиб қолмаслиги учун дунёда кучли “туркӣ геосиёсат”га эҳтиёж бор. Ушбу платформа шаклланишига кўра нисбатан ёш бўлса-да, эришган муваффакиятлари билан қисқа вақт ичидаги стратегик мақсадларни амалга ошириш имкониятига эга халқаро ташкилот сифатида ўзини кўрсата бошлади. Ва йилдан йилга янги ҳамкорлик ва интеграция ҳаракатларини кучайтириб бормоқда.

ТДТ ташкил этилишининг тарихий зарурати

Дунё ўзгариб, ҳар кунимиз турли чорловлар, муаммо ва инқирозлар билан юзлашаётир. Айрим давлатлардаги нотинчилклар, урушларнинг кучайиши, глобал озиқ-овқат ва энергетика инқирози ҳамда унинг бутун дунё иқтисодига таъсири, инфляция босимининг ортиши, жаҳон ва миллий иқтисоднинг заифлашиб бораётгани, миллионлаб одамларнинг қашшоқлашиши, АҚШ-Хитой зиддиятларининг кучайиши ва Осиё давлатларидаги қутбланиш халқаро тизимнинг хавотирли эканлигини кўрсатади. Бунинг устига COVID-19 пандемияси иқтисодий турғунликни янада чуқурлаштириди. Бир сўз билан айтганда, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўрнатилган тартиб ҳозирги халқаро тизимни қўллаб-қувватлай олмай қолди. Жаҳон ижтимоий-сиёсий тизимида туб ўзгаришлар кечайётган бир шароитда Осиёдаги муҳим минтақанинг қандай тараққий этиши, келгусида унинг истиқболини кимлар ёки нималар белгилаши, бунда ўтмиши ва кечмиши бир бўлган туркӣ давлатлар халқларининг сиёсий кайфияти, ижтимоий фаоллиги қандай бўлиши кераклиги масаласи муҳим стратегик мақсадга айланди. Шу нуқтаи назардан мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка асосланган муносабатларини белгиловчи расмий ташкилотнинг таъсис этилиши замон тақозоси эди.

Совет тузуми пароканда бўлгач, Марказий Осиёдаги давлатлар ва Озарбайжон ўзининг суверенитетини эълон қилди ҳамда халқаро муносабатларнинг тўла хуқуқли субъектига айланди. Гегемон давлатлар кўланкасида йўқ бўлиб кетмаслик ёхуд, ёт ғоялар таъсирида бошқа бир кучли давлатнинг қарамига айланмаслик учун ҳам ҳар бир давлат мустақил равишда ўз тараққиёт йўлини белгилаб, халқаро майдонда ҳам ўз ўрнига эга бўлишга ҳаракат қила бошлади.

Айни шу даврда Туркӣ давлатларнинг бирлашиш ғояси долзарб масала сифатида кун тартибиға чиқди. Аслида бу ғоянинг илгари сурилиши янгилик эмас эди. Буюк Амир Темур ҳам туркӣ халқларни бирлаштирган ягона Туронни орзу қилганлиги тарихдан маълум. Айнан шу масъулиятни Туркия ўз зиммасига олди. МОдаги айрим давлатлар, Туркия ва Озарбайжон тузилма сафига кирдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон эса ташкилотга аъзо бўлмади ва “ижобий нейтралитет” позициясида турди. Аммо, янги ташкилот учун бу икки давлат аҳамиятли ҳисобланган. Зоро, Ўзбекистонда МОдаги туркӣ тилда сўзлашувчи аҳолининг ярми истиқомат қиласи, Туркманистон эса исботланган газ заҳиралари бўйича дунёда 4-ўринни эгаллаб турган эди.

Бироқ ушбу сиёсий платформа тизимли равишда ташкил қилинмаганлиги, илгари сурилаётган ташаббусларнинг эса молиявий таъминоти йўқлиги сабабли, шунингдек, минтақадаги мусулмон давлатлари дунёвийлик тамойиллари асосида ривожлангани боис, 1991-1996 йилларга келиб Туркияning янги туркий тилли республикалар шаклланишидаги иштироки пасайди. Фақатгина 1996 йилга келиб бу реал сиёсий воситалар ва узоқ муддатли ҳисоб-китоблар билан таъминланган тузилмага айланди ва кейинчалик, бунинг исботи сифатида туркий тилли давлатлар Кенгаши таъсис этилди.

ТДТнинг тадрижий ривожланиши

1992 йил 30 октябрда Туркияning ташаббуси билан биринчи “Туркий тилли давлатлар саммити” Анқара шаҳрида ўтказилди. Унда Озарбайжон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон раҳбарлари иштирок этди. Президентларнинг навбатдаги саммитлардаги учрашувлари 1994, 2001 ва 2010 йилларда Истамбулда, 1995 йил Бишкеқда, 1996 йил Тошкентда, 1998 йил Остонада, 2000 йил Бокуда, 2006 йил Анталияда бўлиб ўтди.

2009 йилда Нахичевандаги Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (Туркий Кенгаши) ташкил этилди. Ушбу тузилма ҳукуматлараро ташкилот сифатида ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади туркий давлатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш эди. Нахичеван саммитининг якуний ҳужжатида ҳам туркий давлатларнинг минтақа ва дунёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш истаги ифодаланган. Шу билан бирга сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик ва илмий ҳамкорликни кучайтириш, таълим, транспорт ва молия каби соҳаларда яқин ҳамкорлик қилиш мақсадлари ҳам ушбу ҳужжатнинг бош мақсади бўлди.

Кейинги йилларда Кенгаши соҳавий ҳамкорликни институционаллаштириш ва Туркий давлатлар Парламент Ассамблеяси (TURKPA), Халқаро Туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Халқаро Туркий Академия каби бошқа ёрдамчи платформаларни яратишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар Кенгашига расман 2019 йилнинг сентябрь ойида аъзо бўлди. Бунга сабаб Ўзбекистонда янги ислоҳотлар даврининг бошланиши, “Янги Ўзбекистон” позицияси ва халқаро муносабатларда кўп томонлама платформаларга очиқлик эди. Президент Ш. Мирзиёев «очиқ ва конструктив ташқи сиёсат энг аввало миллий манфаатлар учун» деган позицияни илгари сурди.

2021 йил ноябр ойида Истанбулда бўлиб ўтган тарихий саммитда Туркий Кенгаши Туркий давлатлар ташкилоти сифатида қайта ташкил этилди. Саммит давомида Туркий давлатлар ташкилотининг (ТДТ) ҳамкорлари тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Тенглик, ишонч, манбаатдорлик, ўзаро маслаҳатлашув ва ҳамкорлик орқали тараққиётга интилиш руҳида яхши қўшничилик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик салоҳиятидан фойдаланиш ТДТнинг асосий мақсадларига айланди. Яъни, “Буюк Турон” тушунчаси орқали барча туркийзабон халқларни бир суперконфедерацияга бирлаштириш назарда тутилган эди. Янги тузилма учинчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан конструктив ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун очиқ эканлигини ҳам баён қилди.

Ҳамкорлик кўламини кенгайтишининг стратегик аҳамияти

Ташкилот мамлакатлар ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш асносида, **биринчидан**, Кавказ ва Марказий Осиёда янги ривожланаётган транспорт

ҳамда энергетика йўлаклари тармоғи бўйлаб ишончли, ҳавфсиз ва ҳамкорлик камарларини боғлашни режалаштириди. Бу ўз навбатида нафақат аъзо давлатлар ўртасидаги савдо алоқаларини кенгайтириш, шунингдек, ташкилотнинг иқтисодий мустақиллиги ва фаровонлигига эришиш билан бирга, глобал хуружлар, масалан, Афғонистон ҳудудидан келиши мумкин бўлган таҳдидларга карши туриш омили сифатида ҳам керак эди. **Иккинчидан**, Ташкилотга аъзо давлатларнинг ўта геосиёсий амбициялар ва яратилаётган трансмиллий лойиҳалар фаолиятида иштирок этаётган бошқа халқаро кучлар босимига қарши туришида ўзаро қўмаклашиши ҳам долзарблик касб этади. **Учинчидан**, маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш нуқтаи назаридан ҳам бу ташкилот муҳим ҳисобланади.

ТДТ халқаро майдонда самарали, конструктив ва манфаатлар тенглиги асосида иш олиб бораётган ташкилот сифатида баҳоланиб борар экан, унинг сафига қўшилиш истагида бўлган давлатлар сони ҳам ортиб бормоқда.

Масалан, 15га яқин давлатлар, жумладан, Россия Федерациясининг айрим таркибий тузилмалари (Чувашия, Бошқирдистон, Татаристон, Крим Республикаси, Тува ва бошқалар), Гагаузия (Молдова Республикаси таркибидаги автоном ҳудудий бирлик) ва Хитой Халқ республикасининг Шинжон Уйғур автоном вилоятидаги туркий халқлар ҳам бу платформа орқали ҳамкорлик қилиш истагини билдирганлар.

Ҳозирги кунда Туркия, Озарбайжон, Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ТДТнинг тўлақонли аъзоси, Туркманистон ва Венгрия давлатлари эса кузатувчи мақомидадир. Бу мамлакатларда тахминан 173 миллион киши истиқомат қиласди, бу дунё аҳолисининг 2% ортиғи демакдир. Шу билан бирга, аъзо давлатлар харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган ЯИМнинг 3%дан ортиғини ташкил қиласди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ТДТнинг салоҳияти унга аъзо давлатларнинг ўзаро бирдамлигига қўринади. Ташкилот ўз сафини кенгайтириш орқали халқаро доирада таъсир кучи ва имкониятларини ошириш, туркий давлатлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий интеграцияни фаоллаштириш, давлатларнинг бугунги кун чорловларига мослашиши учун фан- технологиялар ҳамда инновация соҳаларида янги лойиҳаларни жорий қилиш, маданий ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби бир қатор режаларни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, иқлим ўзгариши, пандемия ва иқтисодий бўхронлар шароитида ҳам муаммоларни ҳал этишда аъзо давлатлар кучларини бирлаштириш ташкилотнинг мавқеи тобора ошиб бораётганидан далолатdir.

Яна бир муҳим жиҳат, турк давлатлари аҳолисининг 40 фоизгача қисмини ёшлар ташкил қиласди. Турк дунёсининг интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, таълим соҳасидаги институционал ўзаро ҳамкорлик ва илғор таълим амалиётларини барча турк давлатларининг таълим тизимларига интеграция қилиш асосий масалалардан ҳисобланади. Бундан ташқари, турк дунёси минтақасида замонавий давр муаммолари олдида мувофиқлаштирилган умумий ахборот маконини яратиш, киберхавфсизлик соҳасида самарали ҳаракат ва ҳамкорликни таъминлаш ҳам муҳим вазифалардандир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи” 03.11.2023
<https://president.uz/uz/lists/view/6831>

PEDAGOGIK ISLOHOTLAR VA ULARNING YECHIMLARI

<https://worldlyjournals.com>

1-ОКТАБР, 2024

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти “Ўзбекистон Президенти туркий давлатлар ҳамкорлигининг устувор йўналишларини кўрсатди” 06.07.2024 <https://president.uz/uz/lists/view/7381>
3. “Анадолу” АА “Турция хочет, чтобы Туркменистан стал полноправным членом ОТГ” Руслан Рехимов, Олга Кескин [https://www.aa.com.tr/ru/search/?s=\(%d0%9e%d0%a2%d0%93\)&tag=1](https://www.aa.com.tr/ru/search/?s=(%d0%9e%d0%a2%d0%93)&tag=1)
4. “Дунё” АА “Ўзбекистон-Туркий давлатлар ташкилоти: умумий туркий меросни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш йўлида” <https://dunyo.info/uzk/actual/uzbekistan-otg-sohranyaya-i-priumnozhaya-obschetyurkskoe-nasledie>
5. Динара Аппасова “Потенциал Организации тюркских государств в обеспечении безопасности тюркского мира” <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/2955438>
6. Ильхам Мамедов: ОТГ должна стать одним из центров силы в мировом масштабе https://www.elibrary.az/docs/qazet/qzt2024_4920.pdf
7. Чжан Юйянь, “ОРГАНИЗАЦИЯ ТЮРКСКИХ ГОСУДАРСТВ (ОТГ): ПРОИСХОЖДЕНИЕ, МОТИВЫ, ОСОБЕННОСТИ И ВЛИЯНИЕ” <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsiya-tyurkskih-gosudarstv-otg-proishozhdenie-motivy-osobennosti-i-vliyanie/viewer>
8. Омер Кожаман, KRITER сиёсий, иктисадий ойлик журнал (2022) <https://kriterdergi.com/dosya-turk-devletleri-teskilati/turk-devletleri-teskilati-stratejik-bir-bakis>